



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 17 ноябрь, № 244 (8587)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАРЧА ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, муҳим ижтимоий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида 16 ноябрь куни Сурхондарё вилоятига келди.



Дастлаб буюк олим Ҳаким ат-Термизий мақбараси зиёрат қилинди. Куръон тиловат этилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тиланди. Уламолар билан суҳбатда бугунги таҳликали замонда содир бўлаётган турли низо ва урушлар туфайли беғуноҳ инсонлар қони тўкилаётгани қайд этилди. Бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик қадрини янада теран англаб, инсонда шукроналик руҳини уйғотади. Бундай улуг неъматлар аҳамиятини, Термизий каби боболаримиз илм-маърифатини ёшларга етказиш муҳимлиги таъкидланди. Шу масалалар бўйича Термизда илмий конференция ўтказиш ташаббуслари илгари сурилди. Вилоят иқтисодиёти сўнгги йилларда замонавий саноатни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва текстиль соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш орқали янада юксалмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ғояси асосида Жанубдаги воҳа салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳудудларнинг "ўсиш нуқталари" белгилаб олинган одамларнинг турмуш даражасини ошириб, тинч, тўқин ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётган. Президентимизнинг жорий йил 13 март куни вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгилаб берган вазифалари ижроси ҳам юрт ободлиги ва Сурхон аҳлининг фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 29,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 105,2 фоизга етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9 триллион сўмни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 24,2 триллион, хизматлар ҳажми 11 триллион сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,4 миллион сўмга етказилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 102,7 фоизга ўсиш таъминланди. 161,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ишлаб чиқарилаётган рақобатбардор маҳсулотлар Хитой, Россия, Покистон, Туркия, Афғонистон, Қозғистон каби дунёнинг 27 давлатига экспорт қилинмоқда. Дастурлар асосида 1,3 миллиард долларлик 1 минг 36 лойиҳа амалга оширилмоқда. Вилоят иқтисодиётида юз бераётган бундай оламшумул ўзгаришлар одамларнинг бандлик масаласини ҳал этиш, барча замонавий қулайликларга эга уй-жойлар қуриш, йўллар, таълим, тиббиёт ва

бошқа ижтимоий соҳа объектларини тубдан реконструкция қилиш, янгиларини барпо этиш сингари ишлар кўламини кенгайтди. Масалан, ўтган йилнинг 9 ойида 203 минг 300 иш ўрни ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 353 минг 300 та иш ўрни яратилди. Яқин йилларда ҳам аграр ҳудуд бўлган вилоят иқтисодиёти юксалиб, даромад манбаи ошаётгани камбағаллик даражасини 13,8 фоиздан 11,2 фоизга камайтди. Президент Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида Бойсун туманида бўлиб, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётган йирик лойиҳалардан бири — "Мустақилликнинг 25 йиллиги" газ-кимё мажмуаси қурилиши билан танишди. Бу ерда газ қони бир неча ўн йиллар олдин топилган. Бирок географияси мураккаблиги, ўша пайтда замонавий технология ва маблағ бўлмагани учун қўйиб қўйилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев қатъияти билан бу борада амалий қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбари 2019 йил апрель ойида бу ерда бўлиб, дастлабки қидирув ва техник-иқтисодий асослар билан танишган эди. Ўша йилнинг декабрь ойида заводни қуриш ишлари бошланди. «Surhan Gas Chemical Operating Company» хорижий корхонаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойи-

ҳанинг қиймати 2,9 миллиард доллар. Мажмуа йилига 5 миллиард метр куб газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Ҳозиргача қони ўзлаштиришга 1 миллиард 450 миллион долларлик инвестиция киритилиб, 20 та қудуқча бурғилаш ишлари якунланган. 11 та газ қудуғи синовдан муваффақиятли ўтган. Пойдевор ишлари ва металл конструкциялар қуриш деярли якунига етган. Завод лойиҳалари ва қурилиши «Shell» компаниясининг лицензияланган технологиялари асосида олиб борилмоқда. У энг илғор экологик талабларга мос бўлиб, ишлаб чиқаришда зарарли чикиндиларни 99 фоиз зарарсизлантириш имкониятига эга. Бундай ускуналар МДХ давлатлари ичида биринчи бор ушбу заводга ўрнатилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, завод электр энергияни ҳам ўзи генерация қилади ва туман аҳолисига етказиб беради. Давлатимиз раҳбари шу ерда геологик қидирув ва сейсмик тадқиқот ишлари якуни билан танишди. Инвесторлар, қони ўзлаштиришда қатнашаётган мутахассис ва қурувчилар билан суҳбатлашди. — Асосий мақсад газни хомашё ҳолатида сотиш эмас, уни қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар олиш бўлиши лозим. Инвестиция тез вақтларда ўзини оқлаб, завод рақобатбардор бўлиши учун охириги маҳсулот сифатли ва юқори даромадли бўлишига эришиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев. Бу бўйича қарор ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мажмуа Бойсун шаҳридан 20 километр узоқда жойлашган. Айни пайтда унинг қурилишида 7 мингдан ортиқ кишилар, махсус техникалар ишлармоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи келгуси йил май ойида ишга туширилади, 2025 йилда тўла қувватга чиқади. Президентимиз Сароисий туманидаги Тўполанг гидроэлектр станциясида амалга оширилган модернизация ишларини ҳам кўздан кечирди. Мамлакатимиз ҳам иқтисодий, ҳам аҳоли сони жиҳатидан ўсиб, энергетика қувватларига талаб йилдан-йилга ортмоқда. Буни таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан барча манбалар ишга солинмоқда. Жумладан, гидроэнергетикани ривожлантиришга катта урғу берилди. Сўнгги йилларда 19 та янги гидроэлектр станция барпо этилди, 13 таси модернизация қилинди. Улардан энг муҳими Тўполанг гидроэлектр станциясидир. У 2006 йилда ишга туширилган пайтда жами 30 мегаватт қувватли иккита агрегат бўлган. Давлатимиз раҳбари 2019 йил-

нинг апрель ойида бу ерда ташриф буюриб, яна иккита гидроагрегат қуриш юзасидан топшириқ берган эди. Аввалги сув омбори тўғони қўшимча 20 метрга кўтарилди. Натижада унинг сифими 380 миллион куб метрдан 500 миллионга етказилди. Замонавий технологиялар асосида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, жами қуввати 145 мегаваттлик иккита агрегат ўрнатилди. Шу тариқа, Тўполанг ГЭСининг умумий қуввати 175 мегаваттга етиб, Чорвоқ ГЭСидан кейин мамлакатимиздаги иккинчи йирик станцияга айланди. Самарадорлигини айтганда, бу ерда йилга қўшимча 467 миллион киловатт/соат электр қуввати яратилди. Қарийб 167 мингта хонадоннинг электр таъминоти яшилди. Бу йилга ўртача 107 миллион метр куб табиий газни тежаш имконини беради. Президентимизнинг жорий йил март ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Тўполанг гидроэлектр станциясини модернизация қилиш лойиҳасига старт берилган эди. Галдаги ташриф чоғида мазкур лойиҳа асосида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Шу ерда Тўполанг дарёси негизда гидроэнергетика қувватларини ошириш бўйича тақдимот ҳам ўтказилди. Унга кўра, келгуси йилларда дарёнинг қирғи қисмида қуриш учун 20 та истикболли лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг умумий қуввати 264 мегаватт бўлиши мўлжалланган. Давлатимиз раҳбари бу ишларни кенгайтириб, ҳар бир сой, имконияти бор ҳар бир маҳаллада микро ГЭСлар барпо этиш мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, Сурхондарёда кўмир қазиб олиш имкониятлари бўйича ахборот берилди. Қайд этилганидек, ҳудудда 82 миллион тонна кўмир захираси аниқланган. Бугунги кунда 541 минг тонна қазиб олинмоқда. Буни 2 миллион тоннага етказиш, мутахассислар тайёрлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари кўпайтирилмоқда. Жумладан, гидроэнергетикада бир оқим орқали кўп марта "яшил" энергия ҳосил қилиш мумкин. Шу боис Президентимизнинг 2017 йил 17 октябрдаги қарорига мувофиқ, Тўполанг дарёсида кичик электр станциялари ҳам қурилади. Хусусан, 2020 йил декабрь ойида 37 мегаваттлик "Зарчоб-1" ҳамда 2021 йил сентябрь ойида 38 мегаваттлик "Зарчоб-2" ГЭСлари ишга туширилди. Бугунги кунда уларда 48 мингта хонадонга етадиган электр энергияси ҳосил қилинмоқда. Дарёнинг қуйи қисмида яна бир кичик ГЭС — "Зарчоб-3" қурилиши

лойиҳалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида унинг қурилишига тамал тоши қўйилди. Бу станциянинг қуввати 16 мегаватт бўлади ва йилга 70 миллион киловатт/соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. У табиий ва қайта тикланувчанлиги билан аҳамиятли. Шунингдек, бошқа қувватлар, асосан, кундузи ишлаб чиқарилгани боис бу йўналиш энергетика тизимида рустловчи вазифасини ҳам ўтайди. Олинадиган электр таннари ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Ҳозирги тизим бўйича дарё суви махсус босим остида аввал Тўполанг ГЭСига йўланади. Ундан кейин бир-бирдан унча узоқ бўлмаган Зарчоб станцияларидаги парраларни айлантаради. Шунингдек, хусусий сектор томонидан микроГЭСлар барпо этишга ҳам кенг имконият берилмоқда. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, кичик ва микроГЭСларни қуриш истагидаги тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрни давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган. 2021 йилда Термизда бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар алоҳида тўхталган эди. Ўша пайтда ҳудудда марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 60 фоиз атрофида эди. Президентимиз бу борада Тўполанг сув омбори улкан ва тоза манба эканини таъкидлаб, уни аҳолига етказиш бўйича лойиҳа тайёрлаш вазифасини қўйган эди. Ҳақиқатан ҳам, бу ҳавзага сув тоғлардаги қор ва муз эришидан йиғилади. Текширувларга кўра, бу сувнинг қаттиқлик даражаси 4 фоиз, фойдали минералларга бой ва мусаллоҳ. Бундан фойдаланиб, Сурхондарё аҳолиси учун муҳим ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида сув омборидан то Термиз шаҳригача 380 километр металл қувурлар тортилади. Унинг 159 километри магистраль, 221 километри шахар ва туманларни боғловчи ички тармоқлардир. Шунингдек, сув тозалаш, босимни камайтириш ва сув йиғиш иншоотлари қурилади. Бугунги кунда 147 километр қувур тортиб бўлинди. Сув тозалаш, босимни камайтириш ва бешта сув йиғиш иншооти барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 65 ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, кон-металлургия саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, мураккаб иш ва иқлим шароитларида минерал бойликларни самарали ўзлаштириш, тармоқнинг барқарор ишлашини таъминлаш, жондор андозаларига мос янги корхоналарни ташкил этиш борасидаги катта хизматлари, кўп миллатли меҳнат жамоасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қўйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан

Ганиев Юлдаш Уринович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси марказий таъмирлаш-механика цехи бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Аҳадов Хайрулла Рофиевич — «Навоийур» давлат корхонаси бош геологи
Бахронов Фарход Шаймович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бош директорининг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари

Жанахметов Сержан — «Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасасининг «Навоий» ҳудудий бошқармаси «Фарход» маданият саройи яққоҳ хонандаси

Кулешов Андрей Дмитриевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси «Мурунтоғ» қони бурғилаш қурилмаси машинисти

Погоская Албина Ришатовна — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Зарафшон қурилиш бошқармаси 4-автокорхона кран машинисти

Садинов Шухрат Мардонович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бош маркшейдери

Турганбаева Гулжамила Уразбаева — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводи қулотқичи, саноат чикиндиларини зарарсизлантириш ва реагентларни тайёрлаш цехи катта устаси

Цой Мая Васильевна — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими бошлиғи

(Давоми 2-бетда).

НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ:
ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
ЛОКОМОТИВИ

Навоий кон-металлургия комбинатининг (НМКМ) очилиши дунё қончилиги тараққийнинг энг улкан ютуқларидан, умумтамаддунда эса ўтган асрнинг йирик воқеликларида бири. Комбинатнинг мамлакатимиз қазилма бойликларини ўзлаштириш ҳаритасида пайдо бўлиши минг-минг йиллар мудраган Қизилқум биёбонларига саноат кириб келишига пойдевор қўйди. Корхона бугун ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ҳамда салоҳиятида бетакор ўринга эга.

БАРЧА ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «НАВОЙИ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 65 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

«Шухрат» медали билан

Бекқуллов Раҳмон Атақуллович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Жанубий кон бошқармаси «Зармитан» кони лаҳимчиси

Бердиров Нуриддин Мамризаевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Жанубий кон бошқармаси «Маржонбулок» кони олтин ажратиш цехи муҳандис-технологи

Бободўстов Зафар Маждидович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш биришасида кўйимчилик цехи бошлиғи

Бўриев Насрулло Сафоқуллович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси «Шарқий» очик усулда қазиб олиш кони бурғилаш қурилмаси машинисти

Закиров Аскар Аҳмеджанович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Жанубий кон бошқармаси 4-Гидрометаллургия заводи директори

Иргашов Тулқин Ядгарович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «1-Гидрометаллургия заводи» кон бошқармаси 2-технологик цехи аппаратчиси

Каримова Феруза Махманазаровна — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси «Аминзо-Амантой» кони технологик лабораторияси кимёвий таҳлил лаборанти

Муҳаммадов Мехриддин Нормуродович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси «Даугизтау» кони экскаватор машинисти

Пулатов Ваҳиджон Бахтиярович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ишлаб чиқариши автоматлаштириш бошқармаси бошлиғи

Умаров Шодиёр Шухратович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси Автомобиль транспорти бошқармаси диспетчери

Усмонов Ихтиёр Нормухаммадович — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси 5-Гидрометаллургия заводи таъмирловчи-чилангари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 16 ноябрь

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Сариосиё тумани Богистон маҳалласида ушбу лойиҳанинг биринчи босқичини ишга тушириш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев раъсий тугмани босиб, обихаёт йўлини очди. Мазкур босқичда сув Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларига етиб борди. Вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 70 фоизга етди. Яна бир муҳим жиҳати, сув ўз оқими билан тушиши туфайли 8,6 миллион киловатт/соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 90 фоизга етказилади. Бундан Сариосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Бандихон, Қизирлик, Шеробод, Ангор, Музработ, Термиз туманлари ва Термиз шаҳридаги 2 миллионга яқин аҳоли баҳраманд бўлади. Лойиҳани 2024 йилда нияҳосига етказиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Сариосиё туманидаги Себзор маҳалласида бўлди. Бу ерда 7 минг 600 нафардан ортик

аҳоли истиқомат қилади. Тўртта корхона, йиғирмадан ортик савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида шу ерлик ёшлар доимий иш билан банд. Маҳалла аҳли, асосан, боғдорчилик, қорвачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Ўттиздан ортик деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Барақат-тулло Давр Барақа» фермер хўжалиги боғида бўлиб, полиз экинлар хўжалигини эксپортга ихтисослаштириш зарурлиги таъкидланди. Боғ, тоғ ёнбағри ва дала четларида хўжалик экинлари, экинлар учун қўшимча имкониятларни ўрганиш, олимларни жалб этиб, махсуслотлар ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, қайта ишлашни ривож-

лантириш бўйича топшириқлар берилди.

Маҳаллада ижтимоий масалалар ҳам манзилли ҳал этилмоқда. Йўллар таъмирланган. Куз-қиш мавсуми олдидан трансформаторлар янгиланди, қўшимча симёғочлар ўрнатилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасасида зарур шaroитлар яратилган. Яқинда маҳалла ҳудудида кичик тиббиёт пункти ташкил этилди. Президентимиз ундаги шaroитларни кўздан кечирди.

Асосан, профилактик кўрик ва патронаж хизмати билан шуғулланадиган ушбу муассасада бир нафардан шифокор ва доя, икки нафар ҳамшира фаолият олиб боради. Маҳалла аҳолиси илгари 27 километр масофадаги шифохонага боради эди. Энди уларнинг узоғи яқин бўлди. Бу ерда болаларни эмлаш, сурункали беморларни соғломлаштириш ва уларнинг назоратини олиб бориш йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда тиббиёт ходимлари ва мутасаддилари билан суҳбатлашди.

— Мени энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири — халқимизнинг соғлиғи. Шунинг учун шифокорларни қўришга, ижтимоий доирлар таъминотига, тез тиббий

ёрдамга катта маблағ ажратилмапти. Тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари ҳам оширилди. Энди муҳими — аҳолини касаллик бўйича хавф гуруҳига ажратган ҳолда манзилли даволаш ва соғлиғини назорат қилиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Масалан, бир ҳудуд аҳолисининг 30 фоизи касал ёки касалликка мойил бўлади. Маҳалладаги тиббиёт ходимлари уларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолини кузатиб бориши керак. Шу билан бирга, тўғри овқatlanиш, кўпроқ пиёда юришининг фойдасини кенг тушунириш, маҳаллаларда фитобарлар ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Қўчалар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмга ташриф буюрди.

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар қўшинларнинг жанговар салоҳияти ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун барча шарт-шaroит яратилган. Ўқув би-

нолари, маънавият ва маърифат хоналари, спорт зали энг замонавий техника ва қурол-аслаҳаларни жиҳозланган.

Давлат раҳбари ҳарбий қисмда яратилган шaroитлар, чегарани кўриқлашда қўлланилаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни кўздан кечирди. Бунда учувчисиз учиш аппаратларининг аҳамияти алоҳида таъкидланди, уларни ишлаб чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Қуролли Қўчаларимизнинг салоҳиятини ошириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибининг шайлиги, замонавий қурол-аслаҳалар, учувчисиз учиш аппаратларини бошқариш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарига «Ваурактар ТВ2» разведка-зарба учувчисиз учиш аппаратининг парвози намойиш этилди.

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВАЛБЕКОВ, Холмўмин МАМАТРАЙМОВ, Ўза муҳбирлари.

Учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ФАОЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бишкек шаҳрида МДХ иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг навбатдаги ялпи мажлиси доирасида Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев билан учрашди.

Мулоқотда кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар давлатларимиз раҳбарларининг очик, ўзаро ишончга асосланган мулоқоти ва мустақкам сиёсий иродаси туфайли дўстлик, яқин қўнчилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасида барча соҳада ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Маълумки, давлатлараро муносабатларда парламентлараро алоқалар сезиларли даражада кенгаймоқда. Шундан келиб чиқиб, учрашувда мавжуд алоқаларни амалий ҳаракатлар билан янада бойитиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Бунда икки давлат Сенатлари ўртасидаги парламентлараро комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусан, унинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш ва унинг доирасида икки давлат парламентлари ўртасида янги «Йил харитаси»ни имзолаш таклифи илгари сурилди.

Маулен Ашимбаев Ўзбекистоннинг БРМга эришишидаги етакчилигини алоҳида таъкидлаб, мамлакатни барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси фаолиятини юқори баҳолади. Қозоғистон парламентида

ҳам худди шундай комиссия фаолият бошлагани, бу йўналишда Ўзбекистоннинг тажрибаси муҳимлигини қайд этди.

Ўз навбатида, халқаро парламент тузилмалари, шунингдек, бошқа қатор халқаро ташкилотлар доирасида кўшма ташаббусларни илгари суриш, ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Учрашувда дўст мамлакатлар ва қардош халқлар ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам ўзаро хурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган ҳолда конструктив тарзда ривожланиб бориши ва бунда парламентлараро мулоқот янада фаол давом эттирилишига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Кенгаши Раиси Наталья Кочанова бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Беларусь етакчилигининг биргаликдаги сай-ҳаракатлари туфайли икки томонлама муносабатлар ўзаро ишонч ва дўстона муҳитда ривожланиётгани алоҳида қайд этилди.

Хусусан, мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Бундан кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 баробар ўсиб, 500 миллион доллардан ошганлиги мисолида ҳам қўриш мумкин.

Учрашувда Президентлар томонидан олий даражада эришилган келишувларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда парламентларимизнинг фаоллигини ошириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Шу билан бирга, икки давлат ўртасида парламентлараро мулоқотни самарали давом эттириш масалалари

ларига эътибор қаратилди. Ўз навбатида, худудларни ривожлантириш, аёллар имкониятларини кенгайтириш ҳамда улар ўртасида бизнес алоқаларини мустаҳкамлаш йўналишларида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга келишиб олинди.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида юқори даражада эришилган келишувлар ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлаш учун сай-ҳаракатларни бириктириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам ўзаро хурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган ҳолда конструктив тарзда ривожланишига умид билдирилди.

«Халқ сўзи».

Умуммиллий ҳаракат

АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ САМАРАСИ

Мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги амалга оширилаётган ислохотларнинг натижадорлигига бевосита боғлиқ. Шу боис бугун барча ҳудудда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ички сай-ҳаракатлар, аввало, инсон қадрини улуғлаш, турмуш тарзини яхшилаш, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, пировардида халқимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб умргузаронлик қилишларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиб, пойтахтимиз аҳолиси билан самимий мулоқот қилмоқда.

Хусусан, Яшнобод, Чилонзор, Бектемир, Янгиҳаёт, Олмазор, Учтепа, Шайхонтоҳур туманларида шахар ва туман маҳалли Кенгашлари депутатлари, маҳалла фаоллари, нурунийлар, ёшлар иштирокида ташкил этилган тадбирларда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, конституциявий ислохотлар натижалари, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрига бераётган эътибори, охириги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, аҳоли учун яратилаётган шaroитлар, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида сўз юритилди.

Хусусан, биринчи марта умумхалқ референдуми орқали янги тахрирдаги Конституция қабул қилингани, унга инсон қадрини улуғлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир муҳим янги нормалар киритилгани ҳақида кенг тушунчалар берилди.

— Бош Қомусимизда белги-ланган конституциявий нормалар барча соҳада инсон қадрининг

юксалишига, давлат ва жамият ҳаётини «инсон — жамият — давлат» тизими асосида янги ва замонавий тарзда бошқариш имконини беради, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Ақша-гул Тулегенова. — Унинг ижросини тўлиқ таъминлаш биринчи навбатдаги устувор вазифа бўлиб, биз, депутатлар ҳам ушбу жараёнда фаол бўлишимиз керак. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтказилаётган мулоқотлар ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Масалан, Конституциямизда мажбурий меҳнат, болалар меҳнатининг оғир шаклларида фойдаланиш тақиқланиши ва жавобгарликка сабаб бўлиши, шунингдек, фуқаролар тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олишга ҳақлилиги акс этган. Бугун ҳар бир фуқаро шу каби ва бошқа ҳуқуқларини ҳам билиши керак ва шарт.

Мулоқотлар чоғида «Ўзбекистон — 2030» стратегияси, шунингдек, бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган ва яқинда қуйи палатада қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конститу-

циявий қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар берди.

— Конституциявий қонун юртимиздаги демократик ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутди, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Мухтабар Хусанова. — Мазкур ҳужжат билан мамлакатимизда биринчи марта сайлов тизими мутлақо янги асосда ўтказилишининг ҳуқуқий замини мустаҳкамланди. Яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш белгиланди. Ушбу амалиёт сиёсий партиялар ва депутатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига, партиялар мавқеи ҳамда сайлов органларининг профессионаллик даражаси янада ошишига хизмат қилади, шубҳасиз.

Маълумки, 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган кун. Ҳар йили ушбу кун муҳим сана сифатида кенг нишонланади.

Учрашувларда Давлат байроғининг аҳамияти, унинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Депутатлар ташаббуси билан 2023 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

қонун ҳужжатлари билан қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун асосида давлат байроғидан фойдаланиш тартиби янада соддалаштирилгани ҳақида тўхталиб ўтилди. Мулоқотлардан сўнг Қонунчилик палатаси депутатлари «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида мактаб, тиббиёт му-



ассасаси ва маҳаллаларда кўчатлар экиб, яшил боғлар ташкил қилишга ўз ҳиссаларини қўшди.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов ва бир гуруҳ депутатлар Яшнобод туманидаги 339-умумтаълим мактабида нурунийлар, маҳалла фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда ёшлар билан кўчатлар экиди. Шунингдек, яна бир гуруҳ депутатлар иштирокида Чилонзор тумани фаоллари билан биргаликда кўллаб дароҳат ва кўчатлар ўтказилди.

— Бутун мамлакат бўйлаб қулоч ёйган ушбу ташаббус барчани бир мақсадга бириктирмоқда, — дейди яшнободлик пенсионер Икром Шермухаммадов. — Маҳаллалар атрофи ободонлаштириляпти, шаҳримизнинг ижтимоий инфратузилмаси янада яхшиланмоқда. Янги қурилаётган уй-жойлар кўллаб ёш

оилаларнинг ўз уйларига эга бўлишларини таъминламоқда. Илгарилари бунга фақат орзу қилиш мумкин эди. Пойтахтимиз, чиндан айтганда, кейинги йилларда яшаш учун энг қулай ҳудудга айланмоқда. Замонавий янги йўллар ва кўприклар қурилмоқда, жамоат транспорти йўналишлари кўпайтирилмоқда, янги метро линиялари ташкил этилмоқда. Албатта, бундан биз, ёши улғулар жуда мамнунмиз.

Қисқача айтганда, Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу эзгу ташаббус атрофимизни яшилликка бурқаш, экология мусофоллигини таъминлашда муҳим ўрин тутгани баробарида шаҳарларимиздаги яшил майдонлар ҳудудини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирлар давом этади.

«Халқ сўзи».

Конференция

ЎЗАРО ИШОНЧ ЎЗБЕК — ҚИРГИЗ АЛОҚАЛАРИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Бишкек шаҳрида Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеш ташкил этилганнинг 85 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда қатнашди.

Унда Қирғизистон парламенти тарихи қирғиз халқининг тарихи билан chambarchас боғлиқ экани, коллежал орган сифатида барча муҳим масалаларга ҳалқ билан маслаҳатлашган ҳолда ёндашиб келаётгани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунда Жогорку Кенеш аҳоли турли қатламларининг фикрларини билдириш учун миллий платформага айлангани таъкидланди.

Конференцияда МДҲга аъзо давлатлар парламентлари вакиллари ҳам сўзга чиқиб, қирғиз халқини ва Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеш депутатларини мазкур тузилманинг 85 йиллиги билан қутлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз сўзида икки мамлакат раҳбарларининг очик, ўзаро

ишончга асосланган мулоқоти ўзбек — қирғиз муносабатларини янги босқичга олиб чиқганини, бу, ўз навбатида, парламентлараро алоқаларини янада самарали бўлишига хизмат қилаётганини айтиб ўтди.

Шунингдек, Қирғиз Республикаси эришаётган ютуқларда мамлакат парламенти муҳим роль ўйнаётгани, демократик тамойиллар асосида қонунларни самарали ишлаб чиқиб, қабул қилаётганини, очик жамият қуриш ва халқ манфаатларига хизмат қилади-ган давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этаётганини, шунингдек, минтақа ва хорижий давлатлар билан изчил парламент дипломатияси олиб бораётганини алоҳида урғулади.

«Халқ сўзи».

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ:

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЛОКОМОТИВИ



Қисқа фурсатларда Ер юзидagi олтин ва уран ишлаб чиқарувчи компаниялар рўйхатининг биринчи ўнлигига кирган корхона қуввати, фаолият юритаётган худуд кўлами, халқ ҳўжалигидagi самараси, маҳсулот тури, жамоа таркиби ва уларни ижтимоий ҳимоялаш мазмуни жиҳатидан Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳамон тенгсиз ҳисобланади.

Корхона кўп иxtисосли йирки қувватлардан бири сифатида ўз таркибида қазилма бойликларни қидирувдан тортиб, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот даражасигача бўлган жараёнларни жамлаган. Ҳар бирида замон билан ҳамнафаслик, илмий ёндашув ва илгор технологияларни дадил жалб этиш устуворлик қилади.

Шу боис тайёрланаётган барча маҳсулот ва жараёнлар ҳамда уларга жалб этилган техникалар, тахлилчи ускуналар, ҳисоблаш ва компьютер технологиялари, автоматик бошқарув, замонавий ўлчов воситаларида лойиҳалаштириш инсоният техника тараққиётида эришган ютуқларнинг энг сўнгги авлодидир. Буларнинг барчаси жаҳон андозалари даражасидagi юқори самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш, сифатда эса ақсарий ҳолларда халқаро андозалардан-да юқорироқ туровчи маҳсулот тайёрлаш имконини беради.

Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислот қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти, “Навоий уран” давлат корхонаси ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси сифатида фаолиятини давом эттираётган корхона айна кунларда ўзининг олтимиш беш йиллигини тантана қилмоқда.

Гарчанд уран ишлаб чиқариш НКМК пайдо бўлишининг ибтидоси ҳисобланса-да, олтин қазиб олиш ва ишлов бериш комбинат довуғини дунёга ёйди. Шу боис ўтган олтимиш беш йилда эришилган марралар хусусида тўхта-лар эканмиз, бугун “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ маконида фаолият олиб бораётган корхонанинг бундаги улушини бошқа бирор-бир ҳолат билан қийслаб бўлмайди.

Айниқса, кейинги йиллар комбинат учун янгидан-янги истиқболларни очди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилда тасдиқланган комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастури муҳим аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг ҳисобига янги Ўзбекистоннинг янги заводлари, конлар барпо этилиб, геологик-қидирув ишларидан тортиб, тайёр маҳсулот олишгача бўлган барча жараён тўлиқ рақамлаштирилди ва бу корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жамии ортишига мустаҳкам замин яратди. Эришилган барча юқори натижалар жамоанинг меҳнати, қатъияти, жасорати, матонати, фидойилиги маҳсулидир.

Корхонада олтин ишлаб чиқариш “Мурунтов” кони рудаларининг кварцли, “Кўкпатас” кони эса сульфидли хомашё турлари билан тавсифланади. Улар бир-биридан қимматбаҳо металлнинг харсанлар таркибига сингиши билангина фарқланиб қолмай, иш унумдорлиги ва маҳсулот таннари орқали ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигига ўз таъсирини ўтказган.

“Мурунтов” кони акциядорлик жамияти хомашё базасининг асосини ташкил этиб, коннинг ўзида ҳам руданинг бой қатламини қидириш, ҳисоблаш, қисқа йўллар билан қайта ишлаш корхоналарига етказиш ишлари устида тинимсиз ишлатиб олиб борилади. Мурунтовлик кончилар мустақиллик йилларида қўллаган янгилик коннинг ма-

тематик моделини қуриш ва унинг захираларини ҳисоблаб чиқаришнинг компьютер технологиясидир. Жаҳон кончилик амалиётида илк бор қўлланилган мазкур усул захираларни ҳисоблаб чиқаришда 1985 йилдаги нисбатан 2-2,5 баравар самарадорликни тақдим этди.

1969 йил 21 июль куни Қизилқум саҳросининг дастлабки 11 килограмм 820 грамм бўлган олтин қуймасини берган “Мурунтов” кони бугунги кунда нафақат иқтисодий, балки сифат кўрсаткичлари билан ҳам жаҳон олтин ишлаб чиқаришида андоза бўлиб қолмоқда. Лондон қимматбаҳо қуйма металллар бозори ассоциацияси Арбитраж лабораторияси томонидан оптимал таъминлаш мақоми берилгани фикримизнинг яққол далили.

“Сўнгги олти йилда Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида қабул қилинган дастур ва инвестиция лойиҳаларининг амалиётга жорий этилиши ҳисобига нафақат корхона қуввати, балки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва талаб миқдори ҳам бир неча баравар ошди.”

“Мурунтов” конида 2011 йилдан бошлаб жаҳонда ўрнатиш бўлмаган тоғ массасини 270 метрга кўтариш имконини берадиган тик-қия конвейери ишга туширилгани янги имкониятлар эшигини очди. Унинг қиялик бурчаги 37 даража бўлиб, дунёнинг бошқа конларида бу каби ускуналарнинг кўрсаткичи 15 даражадан ошмайди. Бу ҳам соҳа ходимлари салоҳияти, улар меҳнати самарасини белгилайдиган муҳим омилдир.

Иккинчи гидрометаллургия заводи — “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ таркибидagi йирки қувватлардан бири. Корхона, асосан, “Мурунтов” кони рудаларидан валюта даражасидаги олтин ажратиб олишга иxtисослаштирилган. Завод жаҳон кончилик амалиётида илк бор олтинни сорбцияси тиндирилган эритмалардан эмас, балки пульпаннинг суяқ фазасидан ажратиб олиш технологиясини муваффақиятли жорий этганили билан кончилик тарихида алоҳида эътироф этилади.



рилан электролитларидан 99,9 софликдаги палладий олиш технологияси ҳам айнан шу заводда ўзлаштирилган. Корхонанинг рудаларни қайта ишлаш қуввати илгари йилига 23 миллион тоннари ташкил этарди. Олиб борилган реконструкция ва модернизация тадбирлари туфайли бу кўрсаткич эллик фоиз оширилди.

Комбинатда олтин хомашё ресурсларининг иккинчи сонаот тури — сульфидли рудалар, асосан, “Кўкпатас” ва “Дауғитов” конларидан олинади.


лиши ҳисобига нафақат корхона қуввати, балки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва талаб миқдори ҳам бир неча баравар ошди, — дейди Навоий машинасозлик заводи директори Жаҳонгир Ҳайитов. — Бу ўз-ўзидан корхонамиз машинасозлари, муҳандис ва конструкторларини изланишга, ихтиролар яратишга ундаётди.

Кейинги йилларда жамоанинг фидойилиги билан аввал хориждан сотиб олинган 500 турдан ортиқ маҳсулотларни завод цехларида ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга эришдик. Масалан, яқин-яқингача комбинат эҳтиёжи учун катта валюта ҳисобига (5 млн. АҚШ доллари) четдан олиб келинаётган шарли тегирмонларнинг 2020 йил корхонамизда ишлаб чиқарилишининг ўзлаштирилиши 2,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ валюта тежаш имконини яратди. Шунингдек, 2020 йилнинг инвестиция лойиҳаси доирасида 5-гидрометаллургия заводи учун илк марта йирки шарли тегирмон ишлаб чиқарилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида металлургия соҳасидаги дастурлар ҳақида тўхталаркан, беш йилдан кейин мамлакатимизда мисни 3 баробар, олтинни йилига 150 тоннагача ошириш вазифасини қўйиб, бу соҳадаги йирки лойиҳалар қаторида 2023 йилда “Пистали” кони негизда олтин рудасини қайта ишлаш мажмуаси қурилиши яқунлишини таъкидлаган эди.

Шу асосда бугун йилига 4 миллион тонна маъдани қайта ишлайдиган

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳамда “Навоий уран” ДК бугун ўзининг олтимиш беш йиллик юбилейини тантана қилмоқда. Олтимиш беш йилдирки, мазкур корхоналар нафақат минтақа, балки рўйи заминимиз кончилигида етакчи қувватлардан бири сифатида қайд этилиб, Ўзбекистондек мустақил юрт шарафи ва шонига шухрат қўшмоқда. У бир қатор халқаро танлов, ярмарка ва бошқа тадбирларда ўз маҳсулотини, интеллектуал салоҳиятини билан жумлаи жаҳонни лол этиб келмоқда. Албатта, бу реза-реза тер ҳамда фидоқорона меҳнатлар самарасидир. Зафар эса фидойиларнинг хар доим ҳамроҳи.



6-гидрометаллургия заводи фаолият юритмоқда. Ушбу мажмуада таркибида қимматбаҳо металл бўлган маъданларни гравитация-сорбцияли схема бўйича қайта ишлаш тадбирлари амалга оширилади. Заводдаги ускуналар, сизимлар, қулотиргичлар, насослар ва бошқа жиҳозлар Навоий машинасозлик заводида маҳаллийлаштирилиб ишлаб чиқарилган. Шунингдек, НКМКнинг 2, 5, 7, 6-гидрометаллургия заводлари ва конларига навоийлик машинасозлар ностандарт жиҳозлар ва металлконструкциялар етказиб беришляпти.

Умуман олганда, ўтган йиллар давомида 23 та йирки инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 15 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Натижада олтин ишлаб чиқариш жорий йилда 2016 йилдагига қараганда 25 фоизга, қумуш ишлаб чиқариш 46 фоизга ошди. Бу марралар билан комбинат олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда 7-ўриндан 4-ўринга чиқиб олгани кон-металлургия тарихида мисли қўрилмаган улкан натижадир.

Навоийлик кончи металлурглрлар шу кунга қадар эришган натижалар мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларнинг иньикоси ҳисобланиб, истиқболли тармокнинг давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланиши ҳамда бозор муносабатларининг босқичма-босқич жорий этилиши самарасидир.

Буларнинг барчаси олтин ва стратегик хомашё ишлаб чиқаришида дунёнинг йирки компаниялари биринчи ўнлигига турувчи комбинатга истиқлол йилларида ишлаб турган қувватларни реконструкция қилиш ва янгиликларни қуриш, кончиликда илгор технологияларни кенг жалб этиш имкониятини бериб, у билан боғлиқ инфратизим яратилиши хар қандай ислотда инсон манфаати устуворлигини таъминлади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).
Азамат ЗАРИПОВ олган суратлар.



МЕҲНАТИ ҲАМ, ДАРОМАДИ ҲАМ КЎП ТАРМОҚ

— Боғбонлар ва кўпчилик Бахмал олмасининг тақдорланмас тотини тоғ иклими, тоза сув ҳамда тупроқ таркиби билан боғлайдилар, — дейди “Кўшчинор меваси” фермер ҳўжалиги раҳбари Бахтиёр Аҳмедов. — Бу гапда жон бор. Айнан тоғ иклими Бахмал олмасидан олинадиган ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан биридир. Шу боис туманимиз бугунги кунда боғдорчилик ва узумчиликка иxtисослаштирилмоқда. Бахмал туманининг табиий иклимидан келиб чиқиб, бу соҳани ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор ҳамда маблағ ажратилляпти. Томорқа ва фермер ҳўжаликлари кўллаб-қувватлашга имтиёзли кредитлар йўналтириляпти. Бахмал тумани Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассиси Бобур Махрамов маълумотига кўра, бугунги кунда ту-

Боғдорчилик

манда 27 минг 115 та томорқачи мавжуд бўлиб, улар ихтиёрида 5 минг 328 гектар томорқа ер майдони мавжуд. Шундан 3 минг 308 гектари кўп йиллик дарахзорлардир. 601 фермер 6 минг 251 гектар боғ майдонига эга. 1 минг 519 гектар майдонда томчилатиб суғориш жорий этилган. Уларда 51 минг 34 тонна мева етиштириш режалаштирилган. 3 минг 273 гектар олма боғидан 50 минг 373 тонна ҳосил олиш мўлжалланган. Деҳқон ҳамда боғбонлар яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, боғдорчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Кенжабой Орзикулов “Вахтал fruit growing” фермер ҳўжалигини тусиб, сув тежовчи технологиялар асосида интенсив усулдаги боғ ва тоқзор лойиҳасини амалга оширмоқда. Жами 77 гектар боғнинг 24 гектари олма, 31 гектари гилос ва 22 гектари узум кўчатлари-

дан иборат. Жорий йилда 600 тонна олма, 50 тонна гилос ҳамда 120 тонна узум ҳосили олиш режалаштирилган. Туманда етиштирилган мева ҳосилини қайта ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. “Вахтал natural juice” МЧЖ томонидан умумий қиймати 44,9 млрд. сўм бўлган олманга қайта ишлаш лойиҳаси ишга туширилди.

Жорий йилда аҳоли ва фермер ҳўжаликларида етиштирилган 30 минг тонна (ерга тушган) олма қайта ишлаш учун қабул қилинди. Натижада аҳоли 21 млрд. сўм нақд пулда қўшимча даромад олишга эришди. Масъулияти чекланган жамиятда олтимиш доимий, юзта мавсумий иш ўринлари яратилди. Корхона маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятини кенгайтирмоқда. Россияга 600 минг долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди. — Бахмал олмасининг довуғини

таратаётган яна бир муҳим омил бор, бу — деҳқоннинг меҳнати. Қалб қўри ва меҳридор, — дейди асл касби агроном бўлган Бахтиёр Аҳмедов. — Кўчатни ерга қадаган билан иш битмайди. Фақат меҳнат билан, парвариш билангина натижага эришиш мумкин. “Мўғол” ҚФЙ Уяс қишлоғида 40 сотих томорқам бор. Унда 200 та олма дарахти тўлиқ ҳосилга кирган. Битта дарахтдан ўртача 200 килограммгача ҳосил оламиз. Бу йилги оилавий даромадимиз 200 млн. сўмдан ошди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимиз ўқимокда, тўй қиялғимиз, машина оляпмиз.

Айтиш мумкинки, “Кўшчинор меваси” фермер ҳўжалигига тегишли 43 гектар ер майдонига олма, олхўри, шафтоли, нок, ёнғоқ етиштириляпти. Дарахтлар тўлиқ томчилатиб суғорилади. Ҳўжалиқда олманнинг “старкримсон”, “голден”, “делишес”, “бойкен”, “фужа” каби навлари мавжуд. Тўрт қаторга бир хил навли олма кўчати экиб, ёнидан табиий сифатда чанглатувчи икки қатор бошқа навдаги олма ниҳоллари экилган.

Умуман олганда, Бахмал олмаси бугунги кунда икки бозорларимизда харидорғир. Сифатли ҳамда мазали ушбу мевага хориждан ҳам буюртмалар келиб тушаётди. Қирмизи олмалар ўзининг сифати ва ширин-шакарлиги билан юртимиз меваларининг жиловини оламга таранум этмоқда.

— Олманнинг меҳнати кўп, — дея сўзини давом эттиради Б. Аҳмедов. — Ҳар бир дарахт таги 1,5-2 метр энликда чоғилади. Зарарли ҳашаротларга қарши кимёвий ишлов берилади. Асосан, гўнг, қўшимча азотли, фосфорли, калийли минерал ўғитлар билан озиклантирамыз. Вегетация даврида 8 — 12 марта суғорилади. Нам тўплаш учун қишда яқоб суви берамиз. Дарахтлар 30 — 35 йил умр кўради. Ўрнига ёш ниҳоллар экамыз. Бунинг учун бир гектар майдонда уруғчилик участкаси ташкил этганмыз. Мева кўчатлари етиштириб қўшимча даромад оляпман. Ҳосилни сақлаш ҳамда баҳор, ёз мавсумига етказиш учун табиий совитиш хонаси ҳам мавжуд. Унда 80 тонна олма сақланади. Хонага қўйилган маҳсул идишлардаги сув олманнинг намини ва таъмини яхши сақлашга хизмат қилади. Етиштирилган олма ҳосилини харид қилиш учун ҳозирдан юртимизнинг барча вилоятидан хариддорлар буюртма беришаётди. Меҳнат қилган кам бўлмайди юртимизда.

Абдусаттор СОДИҚОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Тахриратта келган кўлаэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетаник сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетаник полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Б. Малиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.08

Топширилди — 01.45

1 2 3 4 5 6

РЕКЛАМА

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСINI РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

КўЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БўЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Терапия факультети:
Пульмонология ва фтизиатрия кафедраси доценти.

Педиатрия факультети:
Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси мудир; Наркология ва ўсмирлар психопатологияси кафедраси мудир.

Хирургия факультети:
Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси кафедраси мудир; Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси ассистенти.

Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети:
Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш ни бошқариш кафедраси мудир; Валеология кафедраси мудир; Оилавий тиббиёт, касб касалликлари курси кафедраси мудир, доценти; Патанатомия ва суд тиббиёти кафедраси мудир; Нейрореабилитация кафедраси профессори.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.
Телефон: 71-267-60-74